

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1753-ҳадис

1753/4939 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَيْسَ

أَحَدٌ يُجَاسِبُ إِلَّا هَلَكَ، وَبَاقِي الْحَدِيثِ تَقَدَّمَ فِي كِتَابِ الْعِلْمِ.

1753.4939. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳисоб-китоб қилинадиган ҳар бир киши ҳалок бўлмай қолмайди», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ мени фидойингиз қилсин! Ахир Аллоҳ аза ва жалла: «Аммо кимнинг китоби ўнгидан берилса, у албатта, енгилгина ҳисоб-китоб қилинади», демайдими?» дедим. У зот: «Ана ўша намоён этиш бўлиб, (амаллари) уларга намоён этилади. Бироқ кимнинг ҳисоб-китоби муноқаша қилинса, ҳалок бўлади», дедилар».

Изоҳ: «Ҳалок бўлиш» деганда азобга қолиш назарда тутилган, зотан, охират азоби ҳақиқий ҳалокатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оятдаги «енгилгина ҳисоб-китоб қилинади», деган жумлани «Ана ўша намоён этиш бўлиб, уларга намоён этилади» деб тафсир қилмоқдалар, яъни солиҳларга қилган амаллари – яхшиликларию ёмонликлари бир кўрсатилади-ю, аммо уларнинг устида савол-жавоб, ҳисоб-китоб қилинмайди. Бу уларнинг нажот топишларининг башорати бўлади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

